

ДИЛФУЗА БОЗОРОВА


БАҲОР
КУРТАКЛАРИДАН
КУЗ ХАЗОНИГАЧА

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

84(59)6-5 ЎЗБ. 82Д, 242 биёти—
Шеърлар

Дунёни англаш, тубига етиш мумкинми? Шодликни, гамни, сурурни, маҳзунликни ўлчаш мумкинми? Унинг баҳосини ким беради, донишмандларми? Алалхусус, Дилфуза Бозорова ҳам дунёни ҳиссиёт ва туйғулари ила мушоҳада қилишга уринади. Инсон ва табиат, инсон ва дунё каби мангу муносабатларнинг шеърий жавобларини айтишга ҳаракат қилади. Ўйлаймизки, унинг шеърий мушоҳадалари сизга маъқул тушади.

1032302
09



ISBN 5-633-01872-9

© Дилфуза Бозорова. «Баҳор куртакларидан куз хазонигача».
«Янги аср авлоди», 2006 йил

ТҮРТЛИКЛАР

Пок ниятим айтсам, ҳуснига шайдо
Шаҳват нафси тўсар ақлнинг кўзин.
Маслакдош изладим лутф ила, аммо
Ёлғон хушномадча бўлмади сўзим.

* * *

Олам иши этди бутқул паришон,
Тили ўзга, дили ўзгалар ҳар ён.
Не қилмоқлик қайда, ҳатто билолмассан
Кимнинг сўзи расту, қай бири ёлғон.

* * *

Минг ҳийлаю, минг суратга соларкан нафс,
Минг машаққат, минг гурбатга соларкан нафс,
Бу дунёда оч бўрининг куйин солса,
Қолдирар минг надоматга сўнгги нафас.

* * *

Йўлинг қисқа, карвондаги чун аҳли куффор,
Нафсингга эргашиб адашма зинҳор.
Манзилга етибон боқиб ортинга,
Ҳасрат-ла абадий йиғлама хунҳор.

* * *

Беғам болаликда аҳли донишлар,
Ҳаёт дарсин ўқиб, ўтказдим вақтим,
Лек сабоқ мағзини ўсгач ҳар сафар,
Ҳар умр зарбида бир бора чақдим.

* * *

Ҳаёт қадрин билгин, бўлмагин ожиз,
Мафтункор табиат эмасдир бежиз.
Шақат умр йўлин сўқмоқларида
Авлодларинг учун қолдир яхши из.

* * *

Нафсга куйсанг, таъмасининг чеки йўқдир.
Бир газ мато танга, қорин озага тўқдир.
Сиқим тупроқ ёпмоқликка қиларкан қор,
Нега дунё кўзлар учун бунчалар тор.

* * *

Юлдуз висолини орзу айлаб гул,
Булбулни хор этди севги касрига.
Билсаки, севганин хаёли буткул,
Етишмоқ билан банд айнинг васлига.

* * *

Ҳаёт синовлари келса ҳам оғир,
Ҳикматин излагил уларнинг бир-бир.
Ситамга берилиб, дард топгунингча
Сабори-ла осон ўтказил умр.

* * *

Кибр ҳавоси бўш осмонга боқма,
Лойинг асли замин бўлгач хокисор.
Гавҳарин илғамай ўтибон босма,
Табаккурлик бир кун этмасин ночор.

* * *

Қўли лақва бир кун кўрганда шолни,
Мазах қилди билиб баланд қадрини.
Ҳайронман, гар ўзи шол бўлганида
Кулишга топаркан кимнинг дардини.

* * *

Ҳақнинг хоҳишидир тақдири инсон,
Суянма «Дунёим – абад тоғим» деб.
Ҳақ молин бериши, олиши осон,
Сўнг айтмагил, «Худо, не гуноҳим!» деб.

* * *

Ғар жаҳд остига минган чоғингда,
Тишларинг тилингда булсинлар эиндон.
Токи шайтон уни эгарлаб, бунда
Азобда қолмасин бутун тану жон

* * *

Дўстга тукибману зардоби дилим,
Сунг ул зардобига дилим тутибман.
Кечиргил, ўзингни қўйиб, ё, Раббим,
Сенга муҳтожлардан мадад кутибман.

* * *

Сиринг сандиғини очмагил зинҳор,
Ўзи ояод бўлиб, сени айлар қул.
Жафо айлаб бўлдинг асрашга ночор,
Бас сенга ҳам вафо қилармиди ул.

* * *

Вақтинг зое этма нодон баҳси-ла,
Доно фикрин асло нодон уқолмас.
Ботқоқ ҳиди тарқар қанча ағдарма,
Сени тортар охир, уруғ унолмас.

* * *

Боланинг шўхлигу уйиндир иши,
Ёшлиқда инсоннинг кўнглида баҳор.
Ўрта ёшлигида ҳаёт ташвиши,
Қариллик чоғида ширин сўзга зор.

* * *

Осмонни тулдирар беҳисоб юлдуз,
Дунёга келару кетар ҳар одам.
Кўкда тун безаги бўлгандек юлдуз,
Ҳаётга нақш бўлса қани инсон ҳам.

* * *

От солиб ақлдан илдам ҳиссиёт
Калтак еб, бош эгиб қайтганда ортга.
Ақл эгар солиб, жиловлагач от
Секин лек беэиён етди муродга.

* * *

Хасдек давлат кетса чиқмас ташвишдан,
Ачинар матоҳга юққанида гард.
Фақат англамасди ҳар ачининдан,
Бир ажин, ҳар ғамдан ортиши бир дард

* * *

Ёлғизликдан ўртанганда кўз ёш тўкиб этма гуноҳ,
Энг буюк яратгандан йўқдир меҳрибон паноҳ,
Ботинан дўст билиб Ҳақни, сабр йўлини қил ихтиёр,
Бўлмассан ғамгин дунёда, қиёматда рўйи сиёҳ.

* * *

Гўзал дилни бефарқ қўйиб париларга бўйлайсанму,
Нафси фоний ғафлати-ла ошиқлигинг қуйлайсанму.
Дил ошени маълум, аммо дунёнинг ошёнлари
Белдан қувват кетгач, қайга кетмоғини ўйлайсанму.

* * *

Савобдан умид билан ёмонни қўллама ҳеч,
Иблис дўстинг бўломмас яхшилик қилма ҳарчанд.
Савоб деб қилганларинг увол бўлиб чиқса кеч,
Сен қўллаган ёмонлар яхшиларга берса панд.

ИЛК СЕВГИ ҚИСМАТИ

И.за

Ҷамолим айлабди сени маҳлиё,
Йўл топдинг покиза дилимга осон.
Аммо билмадингки қалбдаги ҳаё,
Айлаган ўзи-ла дарду ғам макон.
Кўзаларим тубига чуқур боқмадинг,
Кўролмай энг ёрқин севги юлдузин.
Қалбимга бир бора қулоқ осмадинг,
Тингламай тинмаган муҳаббат унин.
Илиқ табассумим қайғу дўлини,
Тўлган қалбим томон ҳайдар тинимсиз.
Майин сочларимнинг алвон тўлқини,
Яширар йиғлаган оқларин унсиз.

Ғам ажини тушса, юзингга қўлим
Меҳрли тафти-ла берардим барҳам.
Иймон шамсин ёқиб топардим қўним,
Қалбингни ёритиб келганида ғам.
Умрим баҳорининг ҳазонигача,
Вафо-ла бахтинг деб яшардим фақат.
Раббимдан сўрабон субҳдан шомгача,
Жаннатда ҳам бирга бўлсак тоабад.

Бўйимга мос бўй топдим дедим,
Илк севгимда этдинг мени хор.
Қалбимга мос қалб топмасдидим,
Изаларингга этдинг мудом зор.

Афсус, бўлдинг фақат кўнгил сайёди,
Сен ҳусн, мен эса ишқнинг шайдоси.
Кўнгил ўғрисига бўлдим ов сайди,
Оҳ, бахтни тор билган ишрат гадоси.

Соф үй ила қурган севги биномни,
Фироқинг-ла осон хароба этдинг.
Маҳлиё бўлдингу ўзига жомнинг,
Шарбатини ҳатто татиб кўрмадинг.

Севги бўстонига киритиб кўнглим,
Забт этиб, шоҳ бўлдинг руҳу жонимга.
Роҳат топгач дилим, сен ўша сўлим
Бордан олиб чиқдинг дашт хижронимга.

Бошқани танладинг, нетай, бу – тақдир
«Бахтли бўл», дейишдан йўқ ўзга чорам.
Қалбим тўридаги жой сенга барибир,
Висолни соғиниб кутарман ҳар дам.
Сен юрган йўллардан мен ҳам юришим,
Шу ҳаводан бирга олишим нафас.
Мен учун катта бахт ёлғиз севгилим,
Жон-танингга озор етишмаса бас.

Балки сенга бериб бор севгим танҳо,
Бефарқ қалбинг учун қилганман хато.
Ғам чокига буткул чўкмасдан Худо,
Ўз вақтида сендан айлади жудо.
Сени учратганим сабоқдир балки,
Чин севги ҳар кимга тортиқ этилмас.
Надомат босмасин қалбларни токи,
Иккимиз ҳам энди адашмасак бас.

КЎЗЛАРИНГДА ҚОЛГАН ДИЛИМ

Нега кўплар ёмон деса ҳам,
Менга йўқдай сендан яхшиси.
Муҳаббатинг ёлғон бўлса ҳам,
Менга йўқдай ишқнинг сараси.

Ақл кўзин кўр қилди буткул,
Ёлғон синган севги шароби.
Хаёлимни этганди машғул,
Орзу тўла севги сароби.

Ишқ дарди-ла урган юракка
Дармон эди биргина сўзинг.
Қаридаги чексиз фалакка
Тортар эди боққанда кўзинг.

У ерларда қолдирган дилим,
Қани эди қайтара олсам.
Дилдан севган бошқага токим,
Мен ҳам қалбим бахш эта олсам.

СЕНИ КУТИБ

Умрим баҳори ўтиб,
Хазонига оз қолди.
Қишларми ҳали дилинг,
Кўзим йўлингда толди.

Оҳларимнинг дастидан,
Фалак ҳам уввос солди.
Эшитмассан сен ҳамон,
Юрак сабрдан толди.

Дарё-ла оққан дардим
Қайда адашди, ҳорди.
Жавобсиз қолди севгим,
Кўнгли йиғлашдан толди.

Идрок кўзларим очиб,
Ғамим тупроққа қорди.
Чарчаган вужудимдан
Номингни қувиб солди.

КЕТСА КЕТСИН БЕВАФО

Кетса, кетсин ёринг бевафо,
Умидингнинг сўнгани яхши.
Кўрганча то ундан юз жафо,
Муҳаббатсиз ўтганинг яхши.

Макр тўла тузоғи ила
Ўғирлабон дилинг асрлар.
Иккиланмай бир қуни сира
Сени ўздан бегона айлар.

Қалбинг ўртаб, чўкма аламга,
Қурбонлигинг қадрига етмас.
Жабрда сен, у ҳам оламда,
Ошиқлардан ягона эмас.

Ташлаб кетса кетсин бевафо,
Садоқатсиз ёрдан не фойда.
Ҳирс ва алдов қололмас асло,
Пок муҳаббат яшаган жойда.

ЁЛҒИЗАЛТМА, ЁЛҒИЗИМ

Ёлғизлатма, мени ёлғизим,
Қуналаримни айлаб зим-зиё.
Сендан ўзга бўларми тўзим,
Ҳижрон дайди минг азоб аро.

Ғамгин, хушнуд, ҳар чоғингда
Таскин бўлиб гоҳ қўллайин.
Осмоним бўл, қучоғингда
Сахий замининг бўлайин.

Тоғдек кучли кўкрагингда
Ғамдин фориг бош қўяйин.
Шаршарадек қоя узра
Ёр, бағрингда тўкилайин.

Тунларингда ойинг бўлиб,
Осмонингни ёруф этай.
Аламларинг шамол бўлиб,
Йироқларга олиб кетай.

Гулинг бўлиб баҳорингда
Умр боғинг яшнатайин.
Хазон бўлиб тўкилганда
Пойинг узра тўшалайин.

Сен деб тошган қалб меҳримга,
Ёр, ўзимни айлама ғарқ.
Дилим сенда бўлса нега,
Ундан айрилмоқлик керак.

АЙЛАМА

Аллоҳим, паноҳингда асрагил балолардан,
Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож айлама.
Пок иймон бер, тани сиҳат, илоҳий куч танамга,
Демасман бер сийму зар, хаста, ночор айлама.
Ҳидоятнинг йўлини кўрсат, бергил сабру қаноат,
Мағрур, дунё шайдоси-ю ва дилозор айлама.
Кўз, қулоғим ва бор таним асрагил нопокликдан,
Шарм пардасин ўра менга, лек шармисор айлама.
Ақл-идрок, илм-ҳикмат, зиёга чўмдир қалбим,
Аммо умр йўлларида саргашту ночор айлама.
Азоб келса, сабр бергил; нафс жўшганда қаноат,
Бу ўткинчи сўқмоқларда шайтонга ёр айлама.
Истагим – охирада бўлса жаннат насибам,
Қиёматда бошим эгик, юзим қаро айлама.

ҚОЛМАСИН

Пок ризқ тилаб, доимо сажда эт шому саҳар,
Паноҳисиз хор кимса ўтгач модару падар,
Миннатли ҳар луқманинг ҳазми минг карра заҳар,
«Худо», дегил, кимсага кунинг асло қолмасин.
Фарзандга куч борида бўлгунг вақтинча азиз,
Биродарларга мансаб борида сўзинг тамиз,
Заифу зорлигингда хабар олишмас ҳаргиз,
«Худо», дегил, кимсага кунинг асло қолмасин.
Гўзал чеҳранг борида ёр ҳажрингда девона,
Молинг борда дўст-ёрлар атрофингда парвона,
Чорасиз қолганингда бари бирдек бегона,
«Аллоҳ», дегил, кимсага кунинг асло қолмасин.
Фақирмисан ё ожиз қилгил ҳар он ибодат,
Дилинг пок бўлса Раббинг асрагай то қиёмат,
Беҳиштда кўшк яратиб, берур абадий роҳат,
Дуо айла, токи ҳеч руҳинг рафлат босмасин.

ЖУДОЛИК

Файба Аллоҳ меҳрибоним, ердаги боримдин жудо,
Ҳар дам фарзанд ташвиши-ла қалби ғам конимдин жудо.
Қўним топиб шохида, булбул каби асралган,
Аччиқ қисмат сели ювган меҳр боғимдин жудо.
Ғаму ситам олови ўртаганда гар қалбим,
Суви-ла сўндиргучи меҳр булоғимдин жудо.
Ҳаёт қинғир сўқмоғида ҳамдарду ҳамғам доимо,
Ғам ила дард хароб этган гулистонимдин жудо.
Мисли ғамгин булбул каби хониш қилгум бу замон,
Нетай, макон қўйган беғамлик бўстонимдин жудо.
Биэга қилган савобларинг қайтсин Ҳақдан онажон,
Дунёдаги тўрт кунлик азия меҳмонимдин жудо.
Бахш этай сенга савобу эзгу амалим бир умр,
Токи охир жаннатида дийдор насиб этса Худо.



НЕ ФОЙДА

О.за

Жудо бўлдинг волидангин, энди ғамдин не фойда,
Қайтмас ғанимат у дамлар, энди аламдин не фойда,
Билмадинг ҳар дам меҳрли дийдорининг қадрини,
Фироқ ўтида беҳуда фиғону ситамдин не фойда.
Олмадинг савобин борида қувончидан ғаминг ёзиб,
Йўғида ҳарчанд қилмагил ҳашмату ҳарамдин не фойда.
Қилмасанг гар яхшилиқ онанг каби яқин дўстга
Қадди осмон савоб ила ўтмоқ оламдин не фойда.

ОНА

Сен баҳорнинг майин шамоли,
Сочларимни силаб елпиган.
Сен юлдузлар кўркам жамоли,
Сукут ила хаёл сурдирган.
Сен сойларнинг сувлари тўлиқ,
Қалбим куйга тўлдириб ўтган.
Сен қуёшнинг нурлари илиқ,
Борлиғимни меҳрга чўмган.
Сен Раббимнинг қирқдан бир меҳри,
Дунёдаги энг азия бўлган.
Борлиқ куйин энг кучли сеҳри —
Ҳар юракда чуқур из солган.

ШАРШАРА ФАЛСАФАСИ

Сўрдим шаршарадан: «Нега оқиминг
Мағрур чўққилардан талпинур пастга?»
Деди: «Қачонлардир томчилар минг-минг
Денгиздан учишди ишқ-ла сарҳадга.
Лек самовий даври булут сайлининг,
Кўкдан ёмғиру-қор бўлиб ёққунча.
Қанча баланд бўлса парвоз, заминнинг
Қаърига сингиш ҳам чуқурдир шунча».

ҒИЙБАТ

Эшитсанг гар фитна кўзланган ғийбат,
Билки, бўлмоқдасан шайтон-ла улфат.
Ғофил қолиб юрсанг сўзин ортидан,
Низо гумон ичра қолгунг оқибат.
Ақлинг ила англа ниятин фақат,
Душманми у ё дўст фарқларсан албат.
Ўзгага фисқ этган билки, сенга ҳам
Ҷасод этмоқликка топади журъат.

ГҶЗАЛСАҢ, ЭЙ ДИЛБАР

Гўзалсан, эй дилбар тенгсиз париваш,
Тиниқ чеҳранг узара йўқолур ғубор.
Бир кўргач юзингни кўзин узолмас,
Ҳар қандай гуруру ҳар қандай виқор.

Дунё шоирлари таърифингга шай,
Сочлари сумбулсан, лаблари асал.
Ҳаётдан устунсан, сенинг олдингда
Абад ҳам ўткинчи, ўткинчи азал.

Фақат бир нарсадан нотинчдир кўнгила,
Гўзаллик ўлчами қоматми фақат.
Сенинг латофатинг, тенгсиз чиройинг
Кўксингдаги қалбдан топганми ҳилқат?

Гўзаллик бир куни тарк этар сени,
Мункиллаб қолади кекса вужудинг.
Шунда ҳам суюкли бўлармисан, айт,
Шунда ҳам бўларми сенинг жунунинг?

Тилагим, сўлмасин қалбдаги гулинг,
Сийратингда бўлсин турфа гўзаллик.
Шаҳло кўзларингдек порласин йўлинг,
Ўшанда бўларсан абадий бахтли.

ПОК ҚАЛБ ЭГАСИГА

Қ.20

Пок юрагинг меҳрим оширди,
Шеър битмоққа илҳом шоширди.
Сенга атаб тилаклар шу он
Қалбдан тошар, айлайин баён.
Мақтовлардан бўлмагин сархуш,
Ҳасад дилинг этмасин нохуш.
Пок қалбингга тегмасин ғубор,
Ҳақ йўлдан адашма зинҳор.
Мағлубликдан бўлмагин тушкун,
Айрилиқлар қилмасин маҳзун.
Иймон бўлсин доим йўлдошинг,
Сабр, ишонч, умид кўлдошинг.
Севмаганга этма фидо жон,
Севганларнинг қадрин бил ҳар он.
Билки, ёлғон шириндир ҳар дам,
Чинни севги аччиғида ғам.
Мақр тўри этмасин қурбон,
Яхшилар-ла бўлгин ошиён.
Худони сев ва суйгани бўл,
Дийдори деб жон куйгани бўл.
Кўрмасин ҳеч танинг азият,
Икки дунё топгин саодат.
Умринг бўлсин комилликка йўл,
Инсонларнинг энг кераги бўл.

* * *

Қисматдан шикоят этма инсонга,
У ҳам сендек ожиз ҳаёт меҳмони.
Лойиқ тақдир битар, Раббинг ҳар жонга,
Ҳам манзилга етгач умр қарвони.
Ҳусн шайдосимас, дил ошени бўл,
Ўткинчи бўлмаган ҳусн бормикан.
Ғарқ бўлмагил вамга, библиб тубсиэ кўл,
Умрда ўтмаган бир кун бормикан?
Дунёинг мўл бўлса, айлама ғурур,
Рихлатида ордан элтгучи ким бор?
Ҷақат ээгуликдан абадий ҳузур,
Умр имтиҳони берилар бир бор.

ТИЛАГИМ ИЗЛАГАНИМГА

Кўнгила дарду алашим тўкиб солсам эшитсанг,
Ҳидоятдан яралган шамла дилим ёритсанг,
Аламли ёшларимни меҳринг билан аритсанг,
Сенинг бахтинг деб фақат яшар эдим яхши зот.
Ҳаёт баҳор, ёзида ниймон ила юритсанг,
Менга зиён бергучи хору хасни қуритсанг,
Ҳазоним кўмгунча хок бахт-ла руҳим ҳур этсанг,
Қиёматда нур юз-ла кўқарардик яхши зот.

САҲРОДАГИ АРЧА

Олис, жазирама, сокин саҳрода
Ўсарди ажойиб ям-яшил арча.
Кўз-кўзлаб жамолин майин шаббода,
Сочларин беозор тарарди аста.
Саҳро ҳам эркалаб, ёлғиз қизидай
Оталик бурчини олди бўйнига,
Боғ ичра энг кўркам бақо гулидай
Ўстириб, яшнатди чексиз қўйнида.
Арча шохларини ёзиб кундан кун
Сулув дилбар каби бўй чўзди, гўё,
Қадам куйдиргучи бу саҳро бутун,
Яшнаган боғ каби кўринди дунё.
Йиллар ўтиб тутишди макон,
Атрофида турли буталар.
Бири қийшиқ, бири сертикон,
Гўзал арча турарди камтар.
Меҳмонлар арчани қилишди мазах:
“Саҳрода не бор, деб – сенга эй гумроҳ?”
Бири дер : “Унингчун афзалдир дўзах”,
Арчанинг юраги хун бўлди қаро.
У ёлғиз, атрофи тўлган даҳшатта,
Қоп-қора тун ичра ой каби гўё.
“У бахтли кунларим қолди, дер, қайда?
У саҳро офтоби этган маҳлиё.”
Арчанинг ингичка барглари нозик,
Кундан кун сарғайиб тўкилди ерга.
Ғам эгди у сарвдек қоматин битик,
У кўрку жамоли йўқолди бирга.
Бир куни саҳрода чўкканида тун,
Булуллар ёпганда ойнинг пардасин.
Шамол таратарди дардга тўла мунг,
Кучли бўрон ила ростлаб нафасин.
Бўрон туманида кетди қорилиб,
Арчанинг танаси, шохлари нафис,

Ажиб барглари ҳам кетди қоришиб,
Гўё бўлмагандек, йўқолди изсиз.
Бу ғурбат саҳнасин кўрди-ю осмон,
Юзига қаҳр-ла ташлади парда.
Кўчалари чақнади бағри тўла қон,
Йиғларди тинимсиз қайғу ҳасрат-ла.
Энди кўринмасди у ажиб арча,
У қизиқ, у нозик, у якка дарахт.
Сахро тутар эди оҳ уриб аза,
Эркасин йўқотган кексадек ҳар вақт.

* * *

Шамол уруғларин экди узоққа,
Айлади ям-яшил арчазор бунёд.
Яна манзил излаб кетар қай ёққа,
Этармикан сахро бағрин ҳам обод.

МУНДАРИЖА

Тўртликлар	3
Илк севги қисмати	9
Кўзларингда қолган дилим	11
Сени кутиб	12
Кетса кетсин бевафо	13
Ёлғизлатма, ёлғизим	14
Айлама	15
Қолмасин	16
Жудолик	17
Не фойда	18
Она	19
Шаршара фалсафаси	20
Ғийбат	21
Гўзалсан, эй дилбар	22
Пок қалб эгасига	23
Тилагим излаганимга	24
Саҳродаги арча	25

Адибий бадийий нашр

ДИЛФУЗА БОЗОРОВА

**БАҲОР ҚУРТАКЛАРИДАН
КУЗ ХАЗОНИГАЧА
*Шеърлар***

Муҳаррир
Абдували ҚУТЎБИЎДИН

Бадий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Мусахҳих
Алимурод ТОҶИЕВ

Техник муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

ИБ № 4169

Босинга 10.04.2006й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобони 0,875. Шарҳи босма тобони 1,47.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 82.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср айлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

700113, Тошкент, Чилонзор-8, Қаторгол кўчаси, 60.